

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

**“ПЕДАГОГИК ФАНЛАРНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ”
модули бўйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тузувчи: доц. Б.Х. Ходжаев

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР.....	3
ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА	9
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ	10
МАЪРУЗА МАТНИ	24
ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....	35
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....	39
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ	40
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАРИ	41
ГЛОССАРИЙ.....	42
ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР	43
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	52

ИШЧИ ДАСТУР

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Педагогик фанларнинг дидактик таъминоти” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини дидактик таъминотни яратишга доир зарур билимлар билан қуроллантириш, дидактик таъминотни яратиш ҳамда ундан фойдаланиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Педагогик фанларнинг дидактик таъминоти” модулининг вазифалари:

- дидактик таъминот ва унинг тузилишини аниқлаштириш;
- дидактик ва методик таъминотнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқли жиҳатларини ажратиб кўрсатиш;
- дидактик таъминотни яратиш ва уни амалиётда қўллаш методикасини ўргатиш.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Педагогик фанларнинг дидактик таъминоти” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- “дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги; дидактик таъминотнинг тузилиши; ўқув ахборотларини узатиш шакл, метод ва воситалари; янги авлод ДТСларини амалга оширишда тингловчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишга қўйилагидан меъёрий талаблар; аудиторияда ва аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган мустақил ишлар; Интернет орқали амалга ошириладиган мустақил ишлар; мустақил ишларни ташкил этиш учун топшириқларни ишлаб чиқиш технологиясини билиш зарур;
- ўзаро алоқадор хилма-хил ўқув ахборотлари мажмуини яратиш, ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида фаол ахборот алмашишга доир ўзаро ҳаракатни ташкил этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим;

- ўқув дастурлари, ўқув-методик нашрлар, дидактик материаллар, ўқитиш воситалари билан ишлай олиш малакаларини эгаллаши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Педагогиканинг долзарб масалалари ва замонавий концепцияси”, “Педагогик фанларни ўқитишда инновациялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар фанлар бўйича дидактик таъминотни яратиш ва ундан фойдаланишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

Т/р	Мавзу	Назарий	Амалий	Кўчма машғулот	Мустақил таълим
1	Дидактик таъминот: тузилиши ва таркибий қисмлари	2	-	-	-
2.	Ўқув ахборотларини узатиш шакллари, метод ва воситалари.	-	2		
3	Ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича яратилган дидактик таъминот таҳлили	-	-	2	2
	Жами: 8 соат	2	2	2	2

Назарий машғулот мазмуни

Дидактик таъминот: тузилиши ва таркибий қисмлари: “дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги; дидактик таъминотнинг тузилиши

Амалий машғулотлар мазмуни

Ўқув ахборотларини узатиш шакллари, метод ва воситалари: ўқув ахборотлари билан ишлаш шакллари: босма, матн, электрон; ўқув ахборотларини узатиш методлари: вариативлик, диалогик, интерактивлик, муаммолик; ўқув ахборотларини узатиш воситалари: чизма, жадвал, аудио, видео, слайд-тақдимот.

Кўчма машғулотлар мазмуни

Ижтимоий-гуманитар, умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича яратилган дидактик таъминот таҳлили: эксперт баҳолаш, тажриба алмашиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш.

Мустақил таълим мазмуни

Тингловчилар назарий, амалий ва кўчма машғулотларда ўзлаштирган билимларга асосланиб ижтимоий-гуманитар, умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича яратилган дидактик таъминот таҳлил қилади

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини

ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

8. Байбаева М.Х. Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг мустақил ишларини ташкил этишда педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2012.

9. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.

10. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003.

11. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.

12. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов: рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.

13. Загвязинский В.И. Теория обучения. Современная интерпретация. – М., 2001.

14. Коджаспирова Г.М. и Коджаспиров А.Ю. Словарь по педагогике. – М.: ИКЦ «МарТ»; Ростов н/Д: Изд. центр «МарТ», 2005.

15. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006.

16. Самостоятельная работа студентов: метод указания / сост.: А.С.Зенкин, В.М.Кирдяев, Ф.П.Пильгаев, А.П.Лашц – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2009.

17. Селевко Г. К. Саморазвивающее обучение. Ярославль: ИПК, 1996.
18. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. – М.: Народное образование, 1998.
19. Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий: В 2 т. Т.1. – М.: НИИ школьных технологий, 2006.
20. Сериков В. В. Обучение как вид педагогической деятельности: учебное пособие для вузов / В. В. Сериков; под ред. В. А. Сластенина, И. А. Колесниковой. – М.: Академия, 2008.
21. Современные образовательные технологии: учебное пособие/под ред. Н.В. Бордовской. – М.: КНОРУС, 2010.- 432с.
22. Сенькина Г.Е., Емельченков Е.П., Киселёва О.М. Методы математического моделирования в обучении: монография. – Смоленск.: Смол.гос. ун-т, 2007.
23. Сластенин В.А. Исаев И Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2-х ч. – М.:ВЛАДОС, 2003. Ч.1
24. Степанов Р.И. Технологический подход к гуманизации образования. // Наука и образование. – 2003. - № 3.
25. Степихова В. Педагогика Френе в Швейцарии // Частная школа. 1995. №3.
26. Столяренко А.М. Психология и педагогика. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.
27. Столяренко Л.Д., Самыгин С.И. 100 экзаменационных ответов по педагогике: Экспресс-справка для студентов вузов. – Ростов н/Д: МарТ, 2000.
28. Сытин Г. Н. Самоубеждение как средство воспитания и оздоровления личности: Автореферат диссертации на соискание степени доктора педагогических наук: – М., 1994.
29. Технологии обучения: сущность, опыт применения и проблемы развития: Доклады и материалы к научно-практической конференции. – М., 1997.

30. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари. – Т.: 2006.
31. Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. – М., 2003.
32. Хуторской А.В. Современная дидактика. – СПб., 2001.
33. Ярмагов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.

Elektron ta’lim resurslari

1. www.pedagog.uz
2. www.Ziyonet.uz
3. www.edu.uz
4. <http://www.edu-navigator.ru>
5. <http://www.phis.org.ru/informatika/>
6. www.mathematics.ru
7. www.physics.ru

ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА

№	Машғулот тури	Мавзу номи	Ажратилган соат	Ой ва кун	Бажа- рил- ганлиги хақида маълумот	Ўқитувчи имзоси
					Соатлар сони	
1	2	3	4	5	6	7
1	Маъруза машғулот	Дидактик таъминот: тузилиши ва таркибий қисмлари	2			
2	Амалий машғулот	Ўқув ахборотларини узатиш шакллари, метод ва воситалари.	2			
3	Кўчма машғулот	Ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича яратилган дидактик таъминот таҳлили	2			
4	Мустақил таълим	Ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича яратилган дидактик таъминот таҳлили	2			
Жами: 8 соат			8			

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-назарий машғулот. “Дидактик таъминот: тузилиши ва таркибий

Маърузага ажратилган вақт – 2 с	Тингловчилар сони – 50 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Машғулот режаси	1. Дидактика ва унинг асосий категориялари. 2. “Дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги. 3. Дидактик таъминотнинг тузилиши.
Ўқув машғулотининг мақсади	Тингловчиларга дидактик таъминотнинг тузилиши ва таркибий қисмлари ҳақида маълумот бериш ҳамда дидактик ва методик таъминот тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги ва фарқли жиҳатларини кўрсатиб бериш.
Педагогик вазифалар: 1) дидактика ва унинг асосий категорияларини изоҳлаш; 2) “дидактик таъминот” тушунчасини шарҳлаш; 3) дидактик таъминотнинг баҳолаш параметрларини тушунтириб бериш; 4) дидактик таъминотнинг методик таъминот билан алоқадорлиги ва фарқли жиҳатларини асослаш; 5) дидактик таъминотнинг тузилишини кўрсатиб бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: 1) дидактика тушунчаси, дидактиканинг баҳс доираси, дидактиканинг асосий категорияларини эсга туширадилар; 2) дидактика таъминот тушунчасининг таърифини билиб оладилар; 3) ўқув ахборотларини танлаш ва узатиш тамойил ва қоидаларини ўзлаштирадилар; 4) дидактик таъминотнинг методик таъминот билан алоқадорлиги ва фарқли жиҳатларини таҳлил этадилар; 5) дидактик таъминотнинг тузилишини ўзлаштирадилар.
Таълим методи	Қизиқарли аналогия, муаммоли метод, маъруза, тушунтириш, кейс-стади
Тингловчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш шакли	Оммавий, гуруҳли
Дидактик воситалар	Слайд-презентация, тарқатма материаллар
Таълимни ташкил этиш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
Назорат	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

“Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва ҳал этиш стратегиялари” мавзусидаги маълумотли маърузанинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (10 дақиқа)	1.1. Тингловчиларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Дидактик таъминот деганда нима тушунилади?” мавзусида ақлий хужумни ташкил этади (1-илова).	Саволга жавоб берадилар ва ўз фикрларини асослашга ҳаракат қиладилар
	1.2. Мавзунинг номланиши, режадаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхати билан таништиради (2-илова).	Тинглашади, ёзиб боришади.
2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 дақиқа)	2.1. Тингловчиларга муҳокама учун савол ташлаш орқали дидактика тушунчасининг моҳияти ва унинг баҳс доирасини аниқлаштиради (3-илова).	Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.
	2.2. Дидактиканинг асосий категорияларини изоҳлайди (4-илова).	
	2.3. Дидактик таъминот тушунчасининг моҳиятини ва унинг муҳим хусусиятларини тушунтириб беради (5-илова).	
	2.4. Дидактик таъминотнинг методик таъминот билан алоқадорлиги ва фарқли жиҳатларини баён этади (6-илова).	
	2.5. Дидактик таъминотнинг тузилишини кўрсатиб беради (7-илова).	
3-босқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (20 дақиқа)	Тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беради ва мавзуга яқун ясайди.	Мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларни беришади ва мунозарада иштирок этадилар.

1-илова**“Дидактик таъминот деганда нима тушунилади?” мавзусида ақлий хужумни ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Ўқитувчи саволни муҳокама қилиш учун ўртага ташлайди ва ўйлаш учун бир дақиқа вақт беради.

2. Тингловчиларнинг жавоблари тингланади ва доскага кетма-кетликда ёзиб борилади. Гарчи такрорланиш ҳолати мавжуд бўлса ҳам, мазкур ҳолатда ҳамма жавобларнинг ёзиб борилиши талаб этилади.

3. Ҳамма ўз фикрини билдириб бўлгач, ўқитувчи доскага ёзилганларини тингловчилар билан биргаликда муҳокама қилади ва тўғри жавоблар ажратиб олинади.

2-илова**Машғулот мавзуси: Дидактик таъминот: тузилиши ва таркибий қисмлари****Режа:**

1. Дидактика ва унинг асосий категориялари.
2. “Дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги.
3. Дидактик таъминотнинг тузилиши.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар

1. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
2. Загвязинский В.И. Теория обучения. Современная интерпретация. – М., 2001.
3. Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. – М., 2003.
4. Хуторской А.В. Современная дидактика. – СПб., 2001.
5. Педагогика. // М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Т., 2010.

3-илова**“Дидактика” тушунчаси**

Дидактика (от греч. *didaktikos* – ўқитаман, ўргатаман) – таълим жараёни, мазмуни, қонуният ва тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини илмий асослаб берувчи педагогик таълим назарияси, педагогиканинг алоҳида соҳаси.

“Дидактика” атамаси илк бор немис педагоги *Вольфганг Ратке* томонидан “Дидактика, ёки таълим санъати” (1613 й.) деб номланган маърузасида қўлланилган.

Дидактика илмий билимлар тизими сифатида биринчи мартаба чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг “Буюк дидактика” (1657 й.) асарида очиб берилган.



4-илова

Дидактиканинг асосий категориялари

Ўргатиш – таълим мақсадини амалга ошириш бўйича педагогнинг тартибланган фаолияти

Ўрганиш – англаш, машқ қилиш, ва эгалланган тажрибалар асосида хулқ-атвор ва фаолиятнинг янги шакллари эгаллаш жараёни, олдин эгалланганлари ўзгаради

Ўқитиш – кўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог билан тингловчиларнинг тартибланган ўзаро ҳаракати

Таълим – ўқитиш жараёнида эгалланадиган билим, кўникма, малакалар, фикрлаш усуллари тизими

Билим – бирор фанни назарий ўзлаштиришни акс эттирадиган инсон ғоялари йиғиндиси

Кўникма – ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллаш усуллари эгаллаш

Малака – атоматлашган ҳолатга ўтган кўникма, такомиллашганликнинг юқори даражаси

Мақсад (ўқув, таълимий) – ўқитиш нимага қаратилганлиги, унинг кучлари келгусида нимага сафарбар этилиши

Мазмун (ўқитиш, таълим) – тингловчилар ўқитиш жаараёнида эгаллаши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма, малакалар, фаолият ва фикрлаш усуллари тизими

Ташкил этиш – қўйилган мақсадни яхши амалга ошириш учун унга зарурий шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартибланган дидактик жараён.

Шакл – ўқув жараёнининг мавжудлик усули, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобик.

Метод – ўқитишнинг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли

Восита – ўқув жараёнини предметли қўллаб-қувватланиши. воситаларга ўқитувчининг жонли нутқи, кенг маънода унинг маҳорати, дарсликлар, жиҳозлар ва бошқалар киради.

Натижалар (маҳсуллар) – ўқув жараёнининг сўнгги натижаси, белгиланган мақсадларни амалга ошганлик даражаси

5-илова

“Дидактик таъминот” тушунчаси

Дидактик таъминот деганда психология, педагогика, валеология, информатика ва бошқа фанлар талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув ахборотлари мазмуни хилма-хил турларининг дидактик мақсад ва вазифаларига кўра ўзаро алоқадор мажмуи.

Дидактик таъминот деганда маълум бир қонуният, тамойиллар ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига асосланадиган шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар тушунилади.

Дидактик таъминот деганда шахснинг ахборий маданиятини шакллантириш учун дидактика, психология, эргономика, информатика ва бошқа фан соҳаларининг мувафакқиятларига асосланган ҳолда ташкил этилган ўқув-услубий мажмуа тушунилади.

Дидактик таъминотнинг муҳим хусусиятлари

Дидактик таъминот қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- 1) назорат топшириқлари, тест саволлари банкининг мавжудлиги;
- 2) ўқув фани бўйича дидактик материалларнинг мавжудлиги: аудио-видео материаллар, компьютер дастурлари, жадвал, слайдлар, тарқатма материаллар.
- 3) реферат ишлари мавзулари.

Дидактик таъминот ўқув курсини ўзлаштириш учун ахборотларнинг тўлиқлиги ва етарли ҳажмда бўлиши, педагог ва тингловчиларнинг биргаликдаги интеллектуал-эмоционал ўзаро ҳаракати мазмуни ва усуллариининг вариативлиги, интерфаоллик, диалоглик, муаммолилик, амалий йўналтирилганлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган

ахборотларнинг оригиналлиги ва тартибга солинганлиги билан характерланади. У таълим олувчининг ахборотларни ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш, назорат қилиш ва коррекциялаш мақсадида фойдаланилади ва таълим олувчи шахсини шакллантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

6-илова

“Методик таъминот” тушунчаси

Методик таъминот тингловчиларнинг аудитория ишларининг барча шаклари (маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулотлари) ва аудиториядан ташқари иш шакллари (мустақил таълим, амалиётнинг барча турлари, назорат, курс ва битирув малакавий ишлари) ҳамда тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини жорий, оралик ва якуний назорат қилишнинг турли шакллари ўз ичига қамраб олади. Фанларнинг методик таъминотининг асоси сифатида ўқув-услубий мажмуа акс этади. Ўқув-услубий мажмуа тингловчиларнинг мустақил ишлашини самарали ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув фанларини ўқитишда узлуксизликни сақлаш имконини беради.

Дидактик ва методик таъминотнинг қиёсий таҳлили

Тушунчалар	Дидактик таъминот	Методик таъминот
Мазмун	Ўзаро алоқадор хилма-хил ўқув ахборотлари мажмуи	Махсус ишлаб чиқилган ва қўлланиладиган ўқув-услубий мажмуа
Мақсад	Ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида фаол ахборот алмашишга доир ўзаро ҳаракатни ташкил этиш учун шароит яратиш	Педагогик фаолиятни доимий такомиллаштириб бориш учун шароит яратиш
Функция	Ташкилий, таълимий, назорат ва коммуникатив	Илмий тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш, умумлаштириш ва трансляция, кундалик методик ёрдам
Тузилиши	Ўқув дастурлари, ўқув-методик нашрлар, дидактик материаллар, ўқитиш воситалари	Ўқув дастурлари, маъруза матнлари, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ва муваққил таълим ишланмалари, назорат ва баҳолаш учун топшириқлар, фанни ўқитишга доир ташкилий кўрсатмалар

1-2-амалий машғулот. Ўқув ахборотларини узатиш шакллари, метод ва воситалари мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик модели

Машғулот вақти – 4 соат	Тингловчилар сони: 20-30 нафар
Машғулот шакли	Амалий машғулот
Лаборатория машғулотнинг тузилиши	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқув ахборотидаги тушунчалар билан ишлашга доир методлар. 2. Ўқув ахборотини чалкаштирилган ҳолда қўллаш орқали узатиш методлари. 3. Ўқув ахбороти устида оғзаки ва ёзма давра суҳбатини ташкил этиш методлари.
Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларнинг ўқув ахборотларини узатишга доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда улар томонидан ўқув ахборотлари устида ишлашга доир методларнинг ўзлаштирилишига эришиш.	
Педагогик вазифалар: <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқув ахборотидаги тушунчалар билан ишлашга доир методлар асосида амалий топшириқларни тақдим этади. 2. Ўқув ахборотини чалкаштирилган ҳолда қўллаш тартибини тушунтиради ва қўлланиладиган методларга доир топшириқлар беради. 3. Ўқув ахбороти устида оғзаки ва ёзма давра суҳбатини ташкил этишга доир амалий ишни ўтказиши. 	Ўқув фаолияти натижалари: <ol style="list-style-type: none"> 1. “Тушунчалар таҳлили”, “Тушунчалар асосида матн тузиш” ва “Тушунчаларни аниқлаш” методларини қўллашни ўзлаштирадидилар. 2. “Чалкашликни аниқланг” стратегияси ва “Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги” методларини қўллашга доир малакаларни эгаллайдилар . 3. “Оғзаки ва ёзма давра суҳбати” методини қўллашга доир кўникма ва малакаларни ўзлаштирадидилар.
Таълим методлари	Тушунтириш, суҳбат, амалий иш, коррекция.
Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари	Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқув воситалари	Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Назорат ва баҳолаш	Ёзма (топшириқларни дафтарга ёзиш) ва оғзаки (изоҳлаш, баён этиш ва тушунтириш) назорат.

**“Ўқув ахборотларини узатиш шакллари, метод ва воситалари”
мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди.	Машғулотга тайёрланиш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат қилишади
	1.2. Тингловчиларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Ўқув ахборотлари устида ишлашни қай тарзда ташкил этиш мумкин?” мавзусида мунозарани ташкил этади (1-илова).	Саволга жавоб беришади ва фикрларни асослашга ҳаракат қилишади.
Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Тингловчиларнинг ўқув ахборотидаги тушунчалар билан ишлашга доир методлар асосида амалий топшириқларни бажаришга доир фаолиятини бошқаради (2-илова).	Амалий топшириқларни бажаришади ва саволлар билан мурожаат этишади.
	2.2. Ўқув ахборотини чалкаштирилган ҳолда қўллаш билан боғлиқ методларга доир топшириқларни тақдим этади (3-илова).	Чалкаштирилган ўқув ахборотлари устида ишлайдилар ва тўғри жавобларни шакллантиришади
	2.3. Ўқув ахбороти устида оғзаки ва ёзма давра суҳбатини ташкил этишни ташкил этади ва тингловчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқаради (4-илова).	Оғзаки ва ёзма давра суҳбатида иштирок этишади
Яқуний босқич (15 дақиқа)	Машғулот юзасидан умумий хулосаларни чиқаради ва тингловчилар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади.	Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар

1-илова

**“Ўқув ахборотлари устида ишлашни қай тарзда ташкил этиш мумкин?”
мавзусида мунозарани ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Ўқитувчи мунозара учун саволни муҳокама қилиш учун ўртага ташлайди ва ўйлаш учун бир дақиқа вақт беради.

2. Тингловчиларнинг жавоблари тингланади ва доскага ёзиб борилади. Гарчи такрорланиш ҳолати мавжуд бўлса ҳам, мазкур ҳолатда ҳамма жавобларнинг ёзиб борилиши талаб этилади.

3. Ҳамма ўз фикрини билдириб бўлгач, ўқитувчи доскага ёзилганларини тингловчилар билан биргаликда муҳокама қилади ва тўғри жавоблар ажратиб олинади.

2-илова

**Ўқув ахборотидаги тушунчалар билан ишлашга доир амалий
топшириқлар****1. “Тушунчалар таҳлили” методи**

Методни қўллаш тартиби:

- 1) қуйидаги келтирилган саволларга жавоб топинг;
- 2) сиз топган жавоб **қавс ичида келтирилган ҳарфларга** мос бўлиши лозим;
- 3) иккинчи саволнинг жавоби биринчи тўғри топилган сўзнинг охириги ҳарфи билан бошланишини ёдда тутинг.

1.	Фикрлашиш, гаплашиш ёрдамида ўзаро алоқа қилиш жараёни (4та)	
2.	Куйга солиб айтиладиган кичик лирик шеър (5та)	
3.	Гавданинг маълум тарзда тўғри турган ҳолати (5та)	
4.	Шахс ва жониворлар таърифи ва танкидига бағишланган жанр (5та)	
5.	Ибтидоий инсонларнинг коинот, табиат ҳодисалари, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини изоҳлаш мақсадида яратилган ҳикоя (6та)	
6.	Тўғри сўзлик, ҳаққонийлик белгиси (10та)	
7.	Дунёнинг пайдо бўлиши ҳақидаги асотирлар (10та)	
8.	Ўқишни битириб сиз эгаллайдиган меҳнат фаолиятингиз (4та)	
9.	Бирор муносабат билан ўтказиладиган шодиёна кун, тантана, дам олиш куни (6та)	
10.	Арабча “намунa” маъносини берувчи жанр (5та)	
11.	Инсонларнинг руҳий олами, ички кечинмалари акс	

	этадиган жанр (5+5)	
12.	Одамнинг маълум соҳага бўлган қизиқишининг кучлилиги (8та)	
13.	Маълум сўз ёки товушни тўғри талаффуз қилишга мўлжалланган жанр (3+5)	
14.	Ўйламасдан бирор гапни гапириш, бирор ишга қўл уриш (11 та)	
15.	Янгалар айтадиган қўшиқ (10та)	
16.	Халқ мажозий ибораларининг бир тўри, кўчма маънода ифодаланилади (5та)	
17.	“Нозик”, “ёқимли”, “зариф” маъноларини билдирувчи жанр (6та)	
18.	Хаёлий ўйдирмалар асос бўлган кичик насрий ҳикоялар (6та)	
19.	Хулқ-атворни тартибга солиб турадиган меъёрлар йиғиндиси (5та)	
20.	“Меҳробдан чаён” асарининг муаллифи (7та)	

2. “Тушунчалар асосида матн тузиш”га доир топшириқлар.

№1

Қуйида келтирилган тушунчалар билан танишинг ва улар асосида қисқа мазмунли матн тузинг.

Тушунчалар: “Таълим тўғрисида”ги Қонун, билим олиш, педагогик фаолият, стандарт, таълим тизими, таълим турлари.

№2

Қуйида келтирилган тушунчалар билан танишинг ва улар асосида қисқа мазмунли матн тузинг.

Тушунчалар: модел, кадрлар тайёрлаш, шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.

№3

Қуйида келтирилган тушунчалар билан танишинг ва улар асосида қисқа мазмунли матн тузинг.

Тушунчалар: шахс, маънавият, маданият, кадрият, миллий ғоя, мафкура, ахлоқ, фазилат.

№4

Қуйида келтирилган тушунчалар билан танишинг ва улар асосида қисқа мазмунли матн тузинг.

Тушунчалар: оммавий маданият, глобаллашув, тарбия, менталитет, маънавий муҳит, маънавий таҳдид.

№5

Қуйида келтирилган тушунчалар билан танишинг ва улар асосида қисқа мазмунли матн тузинг.

Тушунчалар: Конституция, суверен, шахсий ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ, сиёсий ҳуқуқ, давлат ҳокимияти.

3. “Тушунчаларни аниқлаш” методини қўллашга доир методик тавсиялар.

Мақсади:

- тингловчиларни гапдаги ҳар бир сўзни тушуна олишга ўргатиш;
- тингловчиларнинг гапдаги ҳар бир сўзга эътиборли муносабатда бўлиш заруриятини англашларига ёрдам бериш;
- ўқув топшириғини бажаришда гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш кўникмасини шакллантириш.

Ўқитувчи изоҳни **тушуниш** – бу тингловчиларнинг нарса ёки ходисаларда билдирадиган образларни тасаввур эта олиш эканлигини айтишдан бошлайди. Бу фақатгина тасаввур этишгина эмас, балки сўзни тушунишнинг биринчи даражаси.

Сўзни тўлиқ тушуниш қачонки, тингловчилар нарса ёки ходисанинг тузулишига оид таркибий қисмлар(нималардан ташкил топган) ва унинг функционал ўзига хосликлари (нимага ёрдам беради, у билан нима қила олиш мумкин ва бошқалар)ни айтиб бера олганда, юзага келади.

Машғулот қуйидаги тарзда ўтказилади:

1. Барча тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинишади.
2. Ҳар бир гуруҳ матнни олади. Барча гуруҳлардаги матнлар бир хил ёки турли хил бўлиши мумкин.

Ўқитувчи гаплардаги нотаниш сўзларни топиш ва изоҳли луғатлар, ўқитувчининг ёрдамида уларнинг маъносини изоҳлаб беришни сўрайди.

3. Гуруҳларда матн устида ишлаш бошланади. Тингловчилар биргаликда нотаниш, тушунарсиз сўзларни топишади ва уларнинг маъносини биргаликда изоҳлашади.

4. Топшириқ бажариб бўлинганидан сўнг, “кичик гуруҳларга хужум” бошланади. Савол берувчи ва жавоб берувчи гуруҳлар қуръа ташлаш йўли билан аниқланиши мумкин. Барча гуруҳлар навбати билан дастлаб биринчи гуруҳга савол беришади, иккинчи ва бошқалар. Масалан:

Бир гуруҳ савол беради.

Савол берилган гуруҳ аъзоси тезда жавобни айтиши лозим.

5. Яқунларини чиқариш. Ўқитувчи кўп балл йиғган гуруҳни эълон қилиши мумкин. Мазмуни нотўғри тушунилган сўзларга изоҳ берилади.

Ўқув ахборотини чалкаштирилган ҳолда қўллаш билан боғлиқ методларга доир топшириқлар

1. “Чалкашликни аниқланг” стратегияси

*Қуйида келтирилган дарс турларининг тузилиши билан танишинг ва
йўл қўйилган хатоликни топинг.*

- 1) аралаш дарс:
 - а) ташкилий қисм;
 - б) ўрганилганларини такрорлаш ва мустаҳкамлаш;
 - в) ўқувчиларни баҳолаш;
 - г) янги мавзунини баён қилиш;
 - д) уй вазифаси.
- 2) янги билимларни баён қилиш дарси:
 - а) янги мавзунини баён қилиш;
 - б) ўрганилганларини мустаҳкамлаш;
 - в) ўқувчиларни баҳолаш;
 - г) уй вазифаси.
- 3) ўрганларини такрорлаш ва мустаҳкамлаш дарси:
 - а) ташкилий қисм;
 - б) ўқувчиларни баҳолаш;
 - в) уй вазифаси.
- 4) ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малакаларини назорат қилиш дарси:
 - а) ташкилий қисм;
 - б) ўрганилганларини такрорлаш;
 - в) ўқувчиларнинг билимларини текшириш ва баҳолаш;
 - г) уй вазифаси.

2. “Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги” интерфаол методини қўллашга доир методик тавсиялар.

Масалан, “Таълим методлари” мавзуси бўйича амалий машғулот ўтказилаяпти, дейлик. Дастлаб ўқитувчи доскага таълим методларни чалкаштирилган ҳолда ёзиб қўяди. Сўнгра, улардан мазкур методларни қайси гуруҳга киришига қараб, оғзаки, кўргазмали ва амалий методларга таснифлашни таклиф этади.

- Машқ
- Ҳикоя
- Видеометод
- Мунозара
- Дидактик ўйинлар
- Лаборатория методи
- Сухбат

Тушунтириш
 Маъруза
 Китоб билан ишлаш
 Иллюстрация
 Демонстрация

Оғзаки

Кўргазмали

Амалий

4-илова

Ўқув ахбороти устида оғзаки ва ёзма давра суҳбатини ташкил этишга доир топшириқлар

1-гурух учун топшириқ:

Изоҳ: хурматли иштирокчи, қуйидаги келтирилган фикрни ўқинг ва унга ёзма равишда ўз муносабатингизни билдиринг. Фикрингизни ёзиб бўлгач, ёнингиздаги шеригингизга узатинг.

Фикр: Бугунги кун тингловчилари дангаса, ўзлари мустақил равишда маълумотларни топиб ўрганишга ҳаракат қилишмайди!

2-гурух учун топшириқ:

Изоҳ: хурматли иштирокчи, қуйидаги келтирилган фикрни ўқинг ва унга ёзма равишда ўз муносабатингизни билдиринг. Фикрингизни ёзиб бўлгач, ёнингиздаги шеригингизга узатинг.


Фикр: Бугунги кунда домлалар ўртасида порахўрлик авж олган!

Ёзма ва оғзаки “Давра суҳбати”ни ташкил этишга доир методик тавсиялар

Ёзма “Давра суҳбати” – бу биргаликдаги ўқитиш методи бўлиб, бунда қоғоз ва ручка доимо айлана бўйлаб, ўйин иштирокчиларининг кичик гуруҳи орасида узатиб турилади. Мисол учун, шериклардан бир қандайдир ғояни ёзиб, кейин варақни чап томонидаги шеригига узатади. У ўша ғояга ўзининг қандайдир мулоҳазаларини қўшади ва варақни кейинги кишига узатади. Ушбу русум-қонданинг бошқа вариантыда ҳар бир иштирокчи ёзувини ўзининг ранги билан ёзади. Бу умумий фикрни шакллантиришда қўшилган ҳиссани кўринарли даражада кўрсатиб туради ва ўқитувчига тушунишга ва ҳар бирининг иштирокини қайд қилишга ёрдам беради.

Оғзаки “Давра суҳбати” – бу биргаликда ўқитиш методи бўлиб, олдингисига ўхшайди, фақат у оғзаки шаклда ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи навбати билан олдинги одам айтган фикрни илғаб олади ва ривожлантиради.

Ёзма “Давра суҳбати”
(Ҳар ким ёзади ва варақни чап томондаги қўшнисига узатади)



Оғзаки “Давра суҳбати”

(Ҳар ким ўз фикрини айтади ва сўзни чап томондаги қўшнисига беради)

МАЪРУЗА МАТНИ**1-мавзу: Дидактик таъминот: тузилиши ва таркибий қисмлари****Режа:**

1. Дидактика ва унинг асосий категориялари.
2. “Дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги.
3. Дидактик таъминотнинг тузилиши.
4. Тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишда ўқитувчининг педагогик маҳорати.

Сўнги вақтларда педагогик адабиётларда ва таълим амалиётида “дидактик таъминот” ҳамда “методик таъминот” тушунчалари кенг қўлланила бошланди. Бироқ мазкур тушунчаларни изоҳлашга доир ҳам хилма-хил ёндашувлар мавжуд. Ҳатто кўпгина ҳолларда уларни синоним тушунчалар сифатида қўллаш ҳолати ҳам учрайди. Бироқ уларнинг ички ва ташқи мантигида айрим ўзига хосликлар борки, буларни ҳисобга олиш зарур. Қуйида мазкур тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятига батафсил тўхталиб ўтамиз.

“Дидактик таъминот” тушунчаси бир қарашда бир оз ғализ эшитилади. Чунки одатда педагоглар “дидактика” деб номланган педагогиканинг соҳаси борлигини, у таълим жараёни, қонуниятлари, тамойиллари, шакл, метод ва воситалари ўрганувчи соҳа эканлигини яхши билишади. Бироқ “дидактик таъминот” атамасининг нимани англатишини ҳамма ҳам бирдек тўғри тушунавермайди.

Дидактик таъминот деганда психология, педагогика, валеология, информатика ва бошқа фанлар талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув ахборотлари мазмуни хилма-хил турларининг дидактик мақсад ва вазифаларига кўра ўзаро алоқадор мажмуи.


Дидактик таъминот – бу маълум бир қонуният, тамойиллар ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига асосланадиган шахсга йўналтирилган педагогик технологиялардир.

Дидактик таъминот шахснинг ахборий маданиятини шакллантириш учун дидактика, психология, эргономика, информатика ва бошқа фан соҳаларининг мувафакқиятларига асосланган ҳолда ташкил этилган ўқув-услубий мажмуани англатади.

Дидактик таъминот қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

1) назорат топшириқлари, тест саволлари банкининг мавжудлиги; 2) ўқув фани бўйича дидактик материалларнинг мавжудлиги: аудио-видео материаллар, компьютер дастурлари, жадвал, слайдлар, тарқатма материаллар; 3) реферат ишлари мавзулари.

Дидактик таъминот ўқув курсини ўзлаштириш учун ахборотларнинг тўлиқлиги ва етарли ҳажмда бўлиши, педагог ва тингловчиларнинг биргаликдаги интеллектуал-эмоционал ўзаро ҳаракати мазмуни ва усуллариининг вариативлиги, интерфаоллик, диалоглик, муаммолилик, амалий йўналтирилганлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган ахборотларнинг оригиналлиги ва тартибга солинганлиги билан характерланади. У таълим олувчининг ахборотларни ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш, назорат қилиш ва коррекциялаш мақсадида фойдаланилади ва таълим олувчи шахсини шакллантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.



1-расм. Дидактик таъминотнинг тузилиши

Методик таъминот тингловчиларнинг аудитория ишларининг барча шаклари (маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулотлари) ва аудиториядан ташқари иш шакллари (мустақил таълим, амалиётнинг барча турлари, назорат, курс ва битирув малакавий ишлари) ҳамда тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилишнинг турли шаклларини ўз ичига қамраб олади.

“Дидактик ва методик таъминот” тушунчаларининг қиёсий таҳлили

Тушунчалар	Дидактик таъминот	Методик таъминот
Мазмун	Ўзаро алоқадор хилма-хил ўқув ахборотлари мажмуи	Махсус ишлаб чиқилган ва қўлланиладиган ўқув-услубий мажмуа
Мақсад	Ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида фаол ахборот алмашишга доир ўзаро ҳаракатни ташкил этиш учун шароит яратиш	Педагогик фаолиятни доимий такомиллаштириб бориш учун шароит яратиш
Функция	Ташкилий, таълимий, назорат ва коммуникатив	Илмий тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш, умумлаштириш ва трансляция, кундалик методик ёрдам
Тузилиши	Ўқув дастурлари, ўқув-методик нашрлар, дидактик материаллар, ўқитиш воситалари	Ўқув дастурлари, маъруза матнлари, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ва мустақил таълим ишланмалари, назорат ва баҳолаш учун топшириқлар, фанни ўқитишга доир ташкилий кўрсатмалар

Фанларнинг методик таъминотининг асоси сифатида ўқув-услубий мажмуа акс этади ўқув-услубий мажмуа тингловчиларнинг мустақил ишлашини самарали ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув фанларини ўқитишда узлуксизликни сақлаш имконини беради.

Мустақил иш – таълимни ташкил этиш шаклларида бири бўлиб, бунда тингловчилар ўз олдларига у ёки бу вазифаларни, мақсадларни онгли равишда қўйиб, фаолиятни режалаштиради ва уни амалга оширади ҳамда ўз-ўзини баҳолайди.

Мустақил иш – ўқитувчининг топшириғи ва унинг раҳбарлигида ўқув вазифасини ҳал этадиган таълимни ташкил этиш шакли. Мустақил иш бу қўйилган мақсад билан боғлиқликда тингловчиларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишдир. Тингловчиларнинг мустақил ишлари уларнинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка асосланган фаолиятларидир.

Мустақил ишларнинг мақсад ва вазифалари:

Профессор-ўқитувчининг роли тингловчиларда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил билим олиш ва инновацион фаолиятни шакллантиришга имкон берувчи кўникма ва малакаларни эгаллаш мақсади билан боғлиқликда мустақил ишни ташкил этишда намоён бўлади.

Тингловчининг роли профессор-ўқитувчи раҳбарлигида ташкил этиш жараёнида билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш, муаммони шакллантира олиш ва уни ҳал этишнинг оптимал йўлини излаб топишга қобилиятли ижодкор шахс бўлишда ақс этади.

Мустақил иш қуйидаги вазифаларни мувафаққиятли ҳал этишга имкон бериши лозим:

- 1) тингловчиларда ўқув дастурини ўзлаштиришга доир мотивацияни ҳосил қилиш;
- 2) таълим олувчиларда билим олишга доир масъулиятни ошириш;
- 3) тингловчиларда умумий ва касбий лаёқатларни ривожлантиришга имкон бериш;

4) таълим олувчиларда мустақил билим олиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қобиятлиликни шакллантириш учун шароит яратиш.

Аудиторияда амалга ошириладиган мустақил ишларни икки турга ажратиш мумкин: 1) маъруза машғулотларида бажариладиган мустақил ишлар; 2) амалий машғулотларда бажариладиган мустақил ишлар.

Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишларга эса қуйидагилар киритиш мумкин: 1) конспектлаштириш; 2) адабиётлардан реферат тузиш; 3) китоб ва мақолаларга аннотация ёзиш; 4) доклад, реферат ва назорат иши.

Мустақил ишларни ташкил этишида янги ахборотлардан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

1. Тармоқдан ахборот излаш – web-браузер, маълумотлар базасидан фойдаланиш, ахборот-қидирув, ахборот-маълумотнома тизимлари, автоматлашган кутубхона тизимлари, электрон журналлардан фойдаланиш.

Ахборот излаш ва унга ишлов беришга доир мустақил ишларга қуйидагилар киради:

- реферат-шарҳлар ёзиш;
- мавзу билан боғлиқ сайтларга тақриз ёзиш;
- маълум мавзуга доир тармоқдаги мавжуд рефератларни таҳлил этиш, уларни баҳолаш;
- маъруза режасига доир ўз вариантыни ёки унинг маълум бир қисмини ёзиш;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш;
- амалий машғулотлардан лавҳа тайёрлаш;
- мавзуга доир доклад тайёрлаш;
- мавзуга доир мунозара ўтказиш;

- профессор-ўқитувчи томонидан тайёрланган ёки тармоқдан топилган web-квестда ишлаш.

2. Тармоқда диалогни амалга ошириш – электрон почта, синхрон телеконференциялардан фойдаланиш. Тармоқда диалогни амалга оширишни куйидагича кўринишда ташкил этиш мумкин: ўтказилган ёки ўтказилиши кўзда тутилган маърузаларни муҳокама қилиш; мутахассис ёки тингловчилар билан синхрон телеконференция(чат)да мулоқотни амалга ошириш.

3. Тематик web-саҳифа, web-квест(топширик)лар яратиш – html-муҳаррири, web-браузер, график муҳаррирлардан фойдаланиш. Тематик web-саҳифа, web-квест (топширик)лар яратишда куйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: сайтда тингловчилар томонидан бажарилган рефератлар ва рецензиялар, ишларни жойлаштириш; мавзуга доир адабиётлар рўйхатини чоп этиш; индивиудал ва кичик гуруҳларда ишлашга доир мавзули web-саҳифаларни яратиш; мавзу бўйича ишлаш учун web-квестлар яратиш ва уларни курсга доир сайтда жойлаштириш.

Олий таълим муассасасидаги ўқув ишлари шакллари орасида мустақил ишлар асосий ва муҳим ўрин тутди. Кузатишларимиз ва тажрибалардан шу нарса маълум бўладики, олий таълим муассасаларида мустақил ишларни ташкил этиши ва ўтказиши яхши йўлга қўйилган. Бироқ фанлар бўйича мустақил ишларни ташкил этиши ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажариши ва унинг текширилиб, баҳоланишидан иборат бўлиб қолмоқда. Бошқача айтганда, мустақил ишларни ташкил этиши ва ўтказиши тингловчиларнинг индивидуал ва ижодий потенциалини юзага чиқаришига тўлиқ имкон бермаяпти. Ана шу муаммони ҳал этишда эса педагогик фасилитация имкониятларидан фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

Тингловчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш вазифалари ўзига хос бўлиб, улар куйидагиларда намоён бўлади:

- тингловчиларнинг интеллектуал, жисмоний, маънавий-маданий ривожланишида муаммоларнинг вужудга келишидан огоҳ бўлиш;

- тингловчиларнинг ривожланишлари, ўқишлари, ижтимоийлашишларида вужудга келадиган долзарб муаммоларни ечишга кўмаклашиш, жумладан, ўқув-билув жараёнидаги, таълим йўналишлари ва бўлғуси касбларини танлашдаги, ҳиссий кечинмаларидаги, тенгдошлари, ота-оналари, ўқитувчилари билан муносабатларидаги қийинчиликларни бартараф этишда ёрдамлашиш;

- ўқув дастурларини педагогик-психологик назарияга асосланган ҳолда тузиш;

- тингловчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг психологик билимларини кенгайтириш кабилар.

Ўқитувчилар тингловчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш учун кўйидаги ишларни амалга оширишлари лозим:

- педагогик муҳитни соғломлаштириш;

- тингловчиларнинг ривожланишларини якка ва гуруҳли тарзда ташхислаш;

- тингловчиларга якка тартибда ва гуруҳли тарзда маслаҳатлар бериш;

- тингловчиларни якка ва гуруҳли тарзда ривожлантирувчи ишларни ташкил қилиш;

- тингловчилар билан якка ва гуруҳли тарзда улар фаолиятини яхшилаш, тузатиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

- ота-оналар, ўқитувчилар, тингловчилар ва ўқув юрти маъмурияти билан уларнинг педагогик-психологик билимдонликларини ошириш мақсадида маърифий тадбирлар ўтказиш;

- ўқув дастурлари, қўлланмалар, дарс лойиҳалари, таълим муҳити ва педагогик жамоанинг касбий фаолиятини мунтазам экспертизадан ўтказиш кабилар.

Ҳозирги кундаги шароитларнинг яхлитлигига кўра (иқтисодий, молиявий ва ҳақозолар) таълимда янада янги вазиятларга дуч келинмоқда.

Таълимдаги шароитларнинг шакл ва механизмларининг ўзгаришига зарурият туғилмоқда. Айниқса, касбий таълим соҳасида бундай ҳолатни яққол кузатиш мумкин. Шу нуқтаи назардан фасилитация жараёни педагогика ва психологияда тобора қизиқарли характер касб этиб боараверади.

Фасилитация сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, *facilitate* – ёрдам бериш, енгиллаштириш, кучайтириш деган маъноларни англатади. Фасилитация – тингловчига ижобий таъсир этиш йўли бўлиб, гуруҳда ижобий муҳитни ҳосил қилиш, таълим олувчиларда ўз кучларига ишончни ошириш ва мустақил фаолиятларини қўллаб қувватлашдир.

Ҳозирги вақтда фасилитациянинг ижтимоий ва педагогик турлари ажратилиб кўрсатилади. Ижтимоий фасилитация ижтимоий психологик феномен ҳисобланади. Ижтимоий фасилитация латин тилида – “*socialis facilitar*” – жамиятни енгиллаштириш, деган маънони англатади. Асосан, ишлаб чиқариш фаолиятини жадаллаштириш, шу билан бирга унинг тезлиги ва сифатини ошириш, бошқа одамлар иштирокида ёки беллашув вазиятларида қўлланилади. Шунингдек ижтимоий фасилитация тушунчаси шахс фаолиятининг тезлиги ва самарадорлиги, алоҳида шахсга ёки гуруҳга нисбатан қўлланилади. Педагогик фасилитацияда таълимнинг (ўқитиш, тарбия) самарадорлиги кучайтирилади. Касбий-педагогик жараёнда педагог шахсининг алоҳида мулоқот услубини қўлланиши натижасида тингловчи шахсининг индивидуал ривожланиши кузатилади.

Фасилитациянинг юқорида айтиб ўтилган икки турини маълум шарт-шароитлар боғлаб туради. Яъни, фасилитация ҳар қандай фаолият, шу жумладан педагогик жараён самарадорлигини оширади. Фасилитациянинг мавжуд икки тури орасидаги асосий фарқ шундаки, ижтимоий соҳада ривожланиш субъектнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш орқали юз беради, педагогик фаолиятда эса педагогнинг тингловчилар билан алоҳида мулоқот усулини йўлга қўйиши ва уларнинг шахсига самарали таъсир эта олишига алоҳида эътибор қаратилади.

Фасилитация деганда энг аввало, гуруҳий муаммоларни хал этишнинг самарали технологияси тушунилади. Фасилитация шундай жараёни қамраб оладики, фасилитатор мутахассис барча гуруҳ аъзоларига маъқул келадиган, нейтрал қарор қабул қилинишига эришиши, яъни кичик гуруҳларга муаммоларни хал этишга ёрдам бериши талаб этилади. Мазкур ёндашув педагогнинг етакчи фаолиятини таъминлаб берувчи, индивидуал онгни, мустақилликни ривожлантирувчи, шахсий профессионал усулда янги билимларни ҳосил қилишда таълим олувчиларга танлаш ҳуқуқини бериши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Педагогик фасилитация концепцияси бир қатор шароитларни яратиш гоёсини илгари суради: а) тингловчилар учун ўқишнинг аҳамиятли бўлиши; б) ўқитувчининг конгруэнтлилик; в) психологик хавфсизлик ва психологик эркинлик.

Фақатгина тингловчи учун аҳамиятли таълимгина самарали ҳисобланиб, у таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштиришларини таъминлаб қолмасдан, уларнинг ички ҳиссий-когнитив тажрибасининг ўзгаришига ҳам олиб келади.

Ўқитувчининг конгруэнтлиги унинг тингловчиларга нисбатан муносабатини аниқлаб беради, у таълим олувчилар билан биргаликда ўзаро ҳаракатларни амалга оширади. Тингловчиларни қандай вазиятда бўлишига қараб, уларнинг мавжуд ҳолатга муносабат ҳиссини онгли тарзда қабул қила олади. Бу эса ўқитувчига таълим олувчилар билан очиқ муносабатда бўлиш имконини беради. Фасилитация жараёнидаги психологик хавфсизлик шахсни қадрият эканлигини тушуниб етиш ва ташқи баҳолаш мавжуд бўлмаган шароитни яратиб бера олишда намоён бўлади. Психологик мустақиллик тингловчиларни креативлигини ва уларнинг ўзларини тўла намоён эта олиш хусусиятини шакллантиришни таъминлайди. Фасилитация фикрларни, ҳиссиётлар ва ҳолатларни очилишига имкон бериб, самимий ишонч, қутилмаган образ уйғунлиги, ижодий тушуниш ва англашни таъминлайди.

Таълим шароитида фасилитацияни тўғри ташкиллаштиришга риоя этиш, қуйидаги сифатларнинг шаклланишига туртки бўлади: мустақиллик, онгли фаоллик, касбий йўналганлик ва бошқалар. Буларнинг барчаси келажакда тингловчиларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларида муҳим роль ўйнайди.

Ўқитувчи-фасилитатор “ўқитувчи-тингловчи” ва “тингловчи-тингловчи” ҳамкорлиги асосида таълим самарадорлигини оширади. Мазкур жараёнда ички гуруҳий ўзаро ҳаракатларнинг қуйидаги шакл ва усуллари муҳимдир: таълим олувчиларнинг бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашуви, муаммони умумий яхлитликда тушуна олишлари, вазиятни ҳал этиб, оригинал хулоса чиқара олишлари кабилар.

Тингловчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда тингловчи шахсига йўналтирилган таълим тамойилига таяниш замонавий таълим тизимида энг мақбул йўл ҳисобланади. Ўқув жараёнида ана шундай тарзда ташкил этиладиган тингловчининг мустақил ишини самарали амалга ошириш учун шарт-шароит яратилади ва бу жараёнда ўқитувчи ҳам бевосита иштирок этади. Мустақил ишни ташкил этишда шахсга йўналтирилган ёндашув тингловчини шахсий аҳамиятга молик шундай даражага кўтарадики, бу ҳол, ўз навбатида, мустақил ишнинг ҳар қандай турида фаоллик ва ижодкорликнинг кучайишига имкон яратади. Натижада мустақил иш тизими ташкилий жиҳатдан мураккаб яхлитлик, яъни “қисмларининг ўзаро таъсири уларнинг ўзидан кўра муҳимроқ” бўлган яхлитлик сифатида намоён бўлади.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари

1. Дидактика ва унинг асосий категориялари.
2. “Дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги.
3. Дидактик таъминотнинг тузилиши.
4. Бўлажак педагогларда бошқарув маданиятини шакллантириш
5. Тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишда ўқитувчининг педагогик маҳорати.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ**“Педагогик фанларнинг дидактик таъминоти” ўқув модули бўйича тест саволлари****1. Дидактик таъминот деганда нима тушунилади?**

- A) Психология, педагогика, валеология, информатика ва бошқа фанлар талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув ахборотлари мазмуни хилма-хил турларининг дидактик мақсад ва вазифаларига кўра ўзаро алоқадор мажмуи.
- B) Маълум бир қонуният, тамойиллар ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига асосланган шахсга йўналтирилган педагогик технологиялардир.
- C) Шахснинг ахборий маданиятини шакллантириш учун дидактика, психология, эргономика, информатика ва бошқа фан соҳаларининг муваффақиятларига асосланган ҳолда ташкил этилган ўқув-услугий мажмуа.
- D) Барча жавоблар тўғри

2. Дидактик таъминот қандай кўрсаткичлар орқали баҳоланади?

- A) Назорат топшириқлари, тест саволлари банкининг мавжудлиги
- B) Ўқув фани бўйича дидактик материалларнинг мавжудлиги: аудио-видео материаллар, компьютер дастурлари, жадвал, слайдлар, тарқатма материаллар
- C) Реферат ишлари мавзулари
- D) Барча жавоблар тўғри

3. Қуйида келтирилганлар орасидан дидактик таъминотга қўйиладиган талабларни белгиланг: 1) ўқув курсини ўзлаштириш учун ахборотларнинг тўлиқлиги ва етарли ҳажмда бўлиши; 2) педагог ва тингловчиларнинг биргаликдаги интеллектуал-эмоционал ўзаро ҳаракати мазмуни ва усуллариининг вариативлиги; 3) интерфаоллик, диалоглик, муаммолилик, амалий йўналтирилганлик; 4) ишлаб чиқилган ахборотларнинг оригиналлиги ва тартибга солинганлиги.

- A) 1,2,4
- B) 2,4
- C) 2,3,4
- D) 1,2,3,4

4. Дидактик таъминот тузилмаси қандай блокларни ўз ичига қамраб олади?

- А) Информацион, амалий, технологик
- В) Коррекцион, назорат, психологик
- С) Информацион, амалий, коррекцион
- Д) Ташкилий, методик, инновацион

5. Қайси қаторда “методик таъминот” тушунчасига тегишли жиҳат ўз аксини топган?

- А) Тингловчиларнинг аудитория ишларининг барча шаклари
- В) Аудиториядан ташқари иш шакллари
- С) Тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилишнинг турли шакллари
- Д) Барча жавоблар тўғри

6. Қуйидагилардан қайсилари маъруза-семинар тизимининг асосий шаклларига киради? 1) лаборатория; 2) маъруза; 3) фан тўғараклари; 4) семинар; 5) амалий; 6) олимпиада

- А) 1,2,4,6
- В) 1,2,3,5
- С) 2,3,5,6
- Д) 1,2,4,5

7. Метод ва усул тушунчалари бир нарсами?

- А) Йўқ
- В) Ҳа
- С) Деярли бир хил
- Д) Тўғри жавоб йўқ

8. Режа тузиш, уларни баён этиш..... Бу ерда гап метод ҳақида бораяптими ёки усул ҳақидами?

- А) Шакл
- В) Метод
- С) Метод ва усул
- Д) Усул

9. Автоматлашган, ўрганиб қолинган, муайян усул билан бехато бажариладиган ҳаракат нима деб аталади?

- А) Кўникма
- В) Қобилият
- С) Билим
- Д) Малака

10. Қайси қаторда дидактик таъминотнинг тузилиши тўғри кўрсатилган?

- А) Ташкилий, таълимий, назорат ва коммуникатив
- В) Ташкилий, таълимий, назорат ва коммуникатив
- С) Ўқув дастурлари, ўқув-методик нашрлар, дидактик материаллар, ўқитиш воситалари
- Д) Ўқув дастурлари, маъруза матнлари, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ва мустақил таълим ишланмалари, назорат ва баҳолаш учун топшириқлар, фанни ўқитишга доир ташкилий кўрсатмалар

11. Қайси қаторда методик таъминотнинг тузилиши тўғри кўрсатилган?

- А) Ташкилий, таълимий, назорат ва коммуникатив
- В) Ташкилий, таълимий, назорат ва коммуникатив
- С) Ўқув дастурлари, ўқув-методик нашрлар, дидактик материаллар, ўқитиш воситалари
- Д) Ўқув дастурлари, маъруза матнлари, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ва мустақил таълим ишланмалари, назорат ва баҳолаш учун топшириқлар, фанни ўқитишга доир ташкилий кўрсатмалар

12. Дидактик таъминот функциялари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- А) Илмий тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш, умумлаштириш ва трансляция, кундалик методик ёрдам
- В) Ташкилий, таълимий, назорат ва коммуникатив
- С) Коррекцион, назорат, психологик
- Д) Информацион, амалий, коррекцион

13. Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишларга нималарни киритиш мумкин?

- А) Маъруза машғулотларида бажариладиган мустақил ишлар
- В) Амалий машғулотларда бажариладиган мустақил ишлар
- С) Конспектлаштириш, адабиётлардан реферат тузиш, китоб ва мақолаларга аннотация ёзиш, доклад, реферат ва назорат иши.
- Д) Тўғри жавоб берилмаган

14. Ахборот излаш ва унга ишлов беришга доир мустақил ишларга нималар киреди?

- А) Реферат-шарҳлар ёзиш, мавзу билан боғлиқ сайтларга тақриз ёзиш, маълум мавзуга доир тармоқдаги мавжуд рефератларни таҳлил этиш, уларни баҳолаш
- В) Маъруза режасига доир ўз вариантыни ёки унинг маълум бир қисмини ёзиш, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш, амалий машғулотлардан лавҳа тайёрлаш, мавзуга доир доклад тайёрлаш
- С) Мавзуга доир мунозара ўтказиш, профессор-ўқитувчи томонидан тайёрланган ёки тармоқдан топилган web-квестда ишлаш.
- Д) Барча жавоблар тўғри

15. Инновацион муҳит шароитида педагог қандай ролларда намоён бўлади?

- А) Профессор-ўқитувчи, аналитик, фасилитатор
- В) Тьютор, фасилитатор, ингилятор
- С) Тьютор, тренер, модератор
- Д) Барча жавоблар тўғри

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Дидактика ва унинг асосий категориялари.
2. “Дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги.
3. Дидактик таъминотнинг тузилиши.
4. Бўлажак педагогларда бошқарув маданиятини шакллантириш
5. Тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишда ўқитувчининг педагогик маҳорати.
6. Мустақил ишларни ташкил қилиш йўллари.
7. Олий таълим муассасаларида педагогика фанини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари
8. Илғор педагогик технологиялар асосида тингловчи-ёшларда ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш
9. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-инновацион маҳоратини шакллантириш ва ривожлантириш
10. Олий мактаб ўқитувчисининг креатив фаоллигини ошириш усуллари
11. Бўлажак ўқитувчиларни ўқув лойиҳаларини яратишга ўргатиш
12. Ишбилармонлик ўйинлари орқали тингловчиларда касбий сифатларни шакллантириш
13. Бўлажак ўқитувчи шахсида ижодкорлик функциясини ривожлантиришнинг педагогик шартлари.
14. Педагогик конфликтларни хусусияти ва уни бартараф этиш йўллари.
15. Бўлажак педагогларда бошқарув маданиятини шакллантириш.

МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Олий таълим муассасаларида педагогика фанини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари
2. Педагогик технологияларнинг илмий назарий асослари
3. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-инновацион маҳоратини шакллантириш ва ривожлантириш
4. Олий мактаб ўқитувчисининг креатив фаоллигини ошириш усуллари
5. Ишбилармонлик ўйинлари орқали тингловчиларда касбий сифатларни шакллантириш
6. Педагогик конфликтларни хусусияти ва уни бартараф этиш йўллари.
7. Бўлажак ўқитувчиларни байналминал руҳда тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик асослари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАРИ

1. Дидактика ва унинг асосий категориялари.
2. “Дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги.
3. Дидактик таъминотнинг тузилиши.
4. Муаммоли ўқитиш технологияси.
5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
6. Ишбилармонлик ўйинлари воситасида ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш.
7. Педагогик жараёни лойиҳалаштириш.
8. Педагогика коллежларида ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш.
9. Анъанавий таълим технологиялари.
10. Муаммоли вазиятлар машқи: Кейс-стади.
11. Педагогик жараёни лойиҳалаштиришнинг психологик асослари.
12. Педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари.
13. Ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси.
14. Ўқитишнинг интерфаол модели.
15. Ўйинли технологиялар
16. Фанни ўзлаштиришга қаратилган педагогик технологиялар.
17. Муаллифлик технологиялари.
18. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси.
19. Кейс-стади усулининг ўзига хос хусусиятлари.

ГЛОССАРИЙ

ўргатиш – таълим мақсадини амалга ошириш бўйича педагогнинг тартибланган фаолияти

ўрганиш – англаш, машқ қилиш, ва эгалланган тажрибалар асосида хулқ-атвор ва фаолиятнинг янги шакллари эгаллаш жараёни, олдин эгалланганлари ўзгаради

ўқитиш – қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог билан тингловчиларнинг тартибланган ўзаро ҳаракати

таълим – ўқитиш жараёнида эгалланадиган билим, кўникма, малакалар, фикрлаш усуллари тизими

билим – бирор фанни назарий ўзлаштиришни акс эттирадиган инсон ғоялари йиғиндиси

кўникма – ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллаш усуллари эгаллаш

малака – атоматлашган ҳолатга ўтган кўникма, такомиллашганликнинг юқори даражаси

мақсад (ўқув, таълимий) – ўқитиш нимага қаратилганлиги, унинг кучлари келгусида нимага сафарбар этилиши

мазмун (ўқитиш, таълим) – тингловчилар ўқитиш жараёнида эгаллаши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма, малакалар, фаолият ва фикрлаш усуллари тизими

ташқил этиш – қўйилган мақсадни яхши амалга ошириш учун унга зарурий шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартибланган дидактик жараён.

шакл – ўқув жараёнининг мавжудлик усули, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобик.

метод – ўқитишнинг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли

восита – ўқув жараёнинини предметли қўллаб-қувватланиши. воситаларга ўқитувчининг жонли нутқи, кенг маънода унинг маҳорати, дарсликлар, жиҳозлар ва бошқалар киради.

натижалар (маҳсуллар) – ўқув жараёнининг сўнгги натижаси, белгиланган мақсадларни амалга ошганлик даражаси

ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

Тушунчалар асосида матн тузиш

“Тушунчалар асосида матн тузиш” методи билиш-изланиш туридаги мустақил ишлар сирасига кириб, бу иш турли хил мантиқий амалларни талаб этади: таҳлил қилиш ва умумлаштириш, далил ва ходисаларни қиёслаш, улардаги муштараклик ва фарқли томонларни аниқлаш, асосий ва иккинчи даражали белгиларни ажратиш, сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш ва ҳоказо. Одатда тингловчилар номаълум ходисалар, янги материалларга дуч келадилар, янги билимларни эгаллаш ва ўқув муаммосини ҳал қилиш йўллариини излаб топишни талаб этадиган муаммоли вазият пайдо бўлади.

Масалан, “Ўрта Осиёнинг буюк сиймолари” мавзуси бўйича:

- 1) Хоразм, Боғдод академияси, расадхона, ўнлик тизим, тўрт амал, алгоритм, алгебра;
- 2) саккизта асар, “Самовий жисмларнинг ҳаракати ва юлдузлар илми”, астрономиядан қўлланма;
- 3) Фороб, Дамашқ, Миср, 160дан ортиқ асар;
- 4) Кат шахри, Маъмун академияси, хорижий тиллар, 200га яқин илмий асар, глобус, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, Ғазна;
- 5) Сайрам, Ясси, 23 ёш, “Ҳикматлар”.


Ёзма ва оғзаки “Давра суҳбати”

Ёзма “Давра суҳбати” – бу биргаликдаги ўқитиш методи бўлиб, бунда қоғоз ва ручка доимо айлана бўйлаб, ўйин иштирокчиларининг кичик гуруҳи орасида узатиб турилади. Мисол учун, шериклардан бир қандайдир ғояни ёзиб, кейин варақни чап томонидаги шеригига узатади. У ўша ғояга ўзининг қандайдир мулоҳазаларини қўшади ва варақни кейинги кишига узатади. Ушбу русум-қонданнинг бошқа вариантыда ҳар бир иштирокчи ёзувини ўзининг ранги билан ёзади. Бу умумий фикрни шакллантиришда қўшилган ҳиссани кўринарли даражада кўрсатиб туради ва ўқитувчига тушунишга ва ҳар бирининг иштирокини қайд қилишга ёрдам беради.

Оғзаки “Давра суҳбати” – бу биргаликда ўқитиш методи бўлиб, олдингисига ўхшайди, фақат у оғзаки шаклда ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи навбати билан олдинги одам айтган фикрни илғаб олади ва ривожлантиради.

Ёзма “Давра суҳбати”

(Ҳар ким ёзади ва варақни чап томондаги қўшнисига узатади)



Оғзаки “Давра суҳбати”

**(Ҳар ким ўз фикрини айтади ва сўзни чап томондаги қўшнисига беради)
Тушунчалар асосида матн тузиш**

“Тушунчалар асосида матн тузиш” методи билиш-изланиш туридаги мустақил ишлар сирасига кириб, бу иш турли хил мантиқий амалларни талаб этади: таҳлил қилиш ва умумлаштириш, далил ва ҳодисаларни қиёслаш, улардаги муштараклик ва фарқли томонларни аниқлаш, асосий ва иккинчи даражали белгиларни ажратиш, сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш ва ҳоказо. Одатда тингловчилар номаълум ҳодисалар, янги материалларга дуч келадилар, янги билимларни эгаллаш ва ўқув муаммосини ҳал қилиш йўлларини излаб топишни талаб этадиган муаммоли вазият пайдо бўлади.

Масалан, “Ўрта Осиёнинг буюк сиймолари” мавзуси бўйича:

- 1) Хоразм, Боғдод академияси, расадхона, ўнлик тизим, тўрт амал, алгоритм, алгебра;
- 2) саккизта асар, “Самовий жисмларнинг ҳаракати ва юлдузлар илми”, астрономиядан қўлланма;
- 3) Фороб, Дамашқ, Миср, 160дан ортиқ асар;
- 4) Кат шаҳри, Маъмун академияси, хорижий тиллар, 200га яқин илмий асар, глобус, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, Ғазна;
- 5) Сайрам, Ясси, 23 ёш, “Ҳикматлар”.


Ёзма ва оғзаки “Давра суҳбати”

Ёзма “Давра суҳбати” – бу биргаликдаги ўқитиш методи бўлиб, бунда қоғоз ва ручка доимо айлана бўйлаб, ўйин иштирокчиларининг кичик гуруҳи орасида узатиб турилади. Мисол учун, шериклардан бир қандайдир ғояни ёзиб, кейин варақни чап томонидаги шеригига узатади. У ўша ғояга ўзининг қандайдир мулоҳазаларини қўшади ва варақни кейинги кишига узатади. Ушбу русум-қоидаининг бошқа вариантыда ҳар бир иштирокчи ёзувини ўзининг ранги билан ёзади. Бу умумий фикрни шакллантиришда қўшилган ҳиссани кўринарли даражада кўрсатиб туради ва ўқитувчига тушунишга ва ҳар бирининг иштирокини қайд қилишга ёрдам беради.

Оғзаки “Давра суҳбати” – бу биргаликда ўқитиш методи бўлиб, олдингисига ўхшайди, фақат у оғзаки шаклда ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи навбати билан олдинги одам айтган фикрни илғаб олади ва ривожлантиради.

Ёзма “Давра суҳбати”

(Ҳар ким ёзади ва варақни чап томондаги қўшнисига узатади)



Оғзаки “Давра суҳбати”

(Хар ким ўз фикрини айтади ва сўзни чап томондаги қўшнисига беради)

“Тушунчалар таҳлили” методи (доцент М.Муталипова)

1.	Фикрлашиш, гаплашиш ёрдамида ўзаро алоқа қилиш жараёни (4та)	
2.	Куйга солиб айтиладиган кичик лирик шеър (5та)	
3.	Гавданинг маълум тарзда тўғри турган ҳолати (5та)	
4.	Шахс ва жониворлар таърифи ва танқидига бағишланган жанр (5та)	
5.	Ибтидоий инсонларнинг коинот, табиат ҳодисалари, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини изоҳлаш мақсадида яратилган ҳикоя (6та)	
6.	Тўғри сўзлик, ҳаққонийлик белгиси (10та)	
7.	Дунёнинг пайдо бўлиши ҳақидаги асотирлар (10та)	
8.	Ўқишни битириб сиз эгаллайдиган меҳнат фаолиятингиз (4та)	
9.	Бирор муносабат билан ўтказиладиган шодиёна кун, тантана, дам олиш куни (6та)	
10.	Арабча “намуна” маъносини берувчи жанр (5та)	
11.	Инсонларнинг руҳий олами, ички кечинмалари акс этадиган жанр (5+5)	
12.	Одамнинг маълум соҳага бўлган қизиқишининг кучлилиги (8та)	
13.	Маълум сўз ёки товушни тўғри талаффуз қилишга мўлжалланган жанр (3+5)	
14.	Ўйламасдан бирор гапни гапириш, бирор ишга қўл уриш (11 та)	
15.	Янгалар айтадиган қўшиқ (10та)	
16.	Халқ мажозий ибораларининг бир тўри, кўчма маънода ифодаланилади (5та)	
17.	“Нозик”, “ёқимли”, “зариф” маъноларини билдирувчи жанр (6та)	
18.	Хаёлий ўйдирмалар асос бўлган кичик насрий ҳикоялар (6та)	
19.	Хулқ-атворни тартибга солиб турадиган меъёрлар йиғиндиси (5та)	
20.	“Меҳробдан чаён” асарининг муаллифи (7та)	

“Чалкашликни аниқланг” стратегияси (п.ф.н., доц. Б.Ходжаев)

Куйида келтирилган дарс турларининг тузилиши билан танишинг ва йўл қўйилган хатоликни топинг.

1) аралаш дарс:

- а) ташкилий қисм;
- б) ўрганилганларини такрорлаш ва мустаҳкамлаш;
- в) ўқувчиларни баҳолаш;
- г) янги мавзунини баён қилиш;
- д) уй вазифаси.

2) янги билимларни баён қилиш дарси:

- а) янги мавзунини баён қилиш;
- б) ўрганилганларини мустаҳкамлаш;
- в) ўқувчиларни баҳолаш;
- г) уй вазифаси.

3) ўрганларини такрорлаш ва мустаҳкамлаш дарси:

- а) ташкилий қисм;
- б) ўқувчиларни баҳолаш;
- в) уй вазифаси.

4) ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш дарси:

- а) ташкилий қисм;
- б) ўрганилганларини такрорлаш;
- в) ўқувчиларнинг билимларини текшириш ва баҳолаш;
- г) уй вазифаси.

**“Керакли сўзларни топиб қўйинг” стратегияси (п.ф.н., доц.
Б.Х.Ходжаев).**

Стратегияни қўллаш тартиби:

I. Ўқитувчи тингловчиларга бир варақ қоғоз олиб, доскага ёзилган қуйидаги гаплардаги тушириб қолдирилган сўзларни топиб ёзишни сўрайди.

1. Мен кўпроқ инсонлардаги ... кадрлайман.
2. Мен ўз тенгдошларимни ... учун ҳурмат қиламан.
3. Мен ўз тенгдошларимни ... учун ҳурмат қилмайман.
4. Мен ўзимда кўпроқ ... фазилатларни акс эттиришни хоҳлайман.
5. Менинг ҳаётдаги энг асосий мақсадим – бу ...
6. Мен исталган қарорни чиқаришда ... асосланаман.

II. Тингловчилар индивидуал тарзда гаплардаги керакли сўзларни ёзиб бўлишгандан сўнг, дастлаб жуфтликларда ва сўнгра гуруҳларда ўз фикрларини бир-бирлари билан ўртоқлашдилар.

III. Гуруҳларда муҳокама қилиш учун ажратилган вақт тугагач, ўқитувчи доскага қуйида кўрсатилганидек, “Тоифалаш жадвали”ни чизади ва уни гуруҳларда тўлдиришни сўрайди.

Биз кадр- лаймиз...	Биз ҳурмат қиламиз...	Биз ҳурмат қилмаймиз...	Биз эри- шишни истаган фази- латлар...	Бизнинг мақсади- миз...	Биз таянадиган асослар...

IV. Ҳар бир гуруҳ ўз тоифалаш жадвалларини тўлдириб бўлишгач, алоҳида-алоҳида тақдимот қиладилар.

“Керакли сўзларни топиб қўйинг” стратегияси.

1. Мен кўпроқ инсонлардаги кадрлайман.
2. Мен ўз тенгдошларимниучун ҳурмат қиламан.
3. Мен ўз тенгдошларимни.....учун ҳурмат қилмайман.
4. Мен ўзимда кўпроқ фазилатларни акс эттиришни хоҳлайман.
5. Менинг ҳаётдаги энг асосий мақсадим – бу
6. Мен исталган қарорни чиқаришдаасосланаман.

“Керакли сўзларни топиб қўйинг” стратегияси.

1. Мен кўпроқ инсонлардаги кадрлайман.
2. Мен ўз тенгдошларимниучун ҳурмат қиламан.
3. Мен ўз тенгдошларимни.....учун ҳурмат қилмайман.
4. Мен ўзимда кўпроқ фазилатларни акс эттиришни хоҳлайман.
5. Менинг ҳаётдаги энг асосий мақсадим – бу
6. Мен исталган қарорни чиқаришдаасосланаман.

“Керакли сўзларни топиб қўйинг” стратегияси.

1. Мен кўпроқ инсонлардаги кадрлайман.
2. Мен ўз тенгдошларимниучун ҳурмат қиламан.
3. Мен ўз тенгдошларимни.....учун ҳурмат қилмайман.
4. Мен ўзимда кўпроқ фазилатларни акс эттиришни хоҳлайман.
5. Менинг ҳаётдаги энг асосий мақсадим – бу
6. Мен исталган қарорни чиқаришдаасосланаман.

“Дидактика” тушунчаси

Дидактика (от греч. *didaktikos* – ўқитаман, ўргатаман) – таълим жараёни, мазмуни, қонуният ва тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини илмий асослаб берувчи педагогик таълим назарияси, педагогиканинг алоҳида соҳаси.

“Дидактика” атамаси илк бор немис педагоги **Вольфганг Ратке** томонидан “Дидактика, ёки таълим санъати” (1613 й.) деб номланган маърузасида қўлланилган.

Дидактика илмий билимлар тизими сифатида биринчи маротаба чех педагоги **Ян Амос Коменский**нинг “Буюк дидактика” (1657 й.) асарида очиб берилган.

Дидактиканинг баҳс доираси

<p>НИМА УЧУН ЎҚИТИШ? КИМНИ ЎҚИТИШ?</p> <p>ТАЪЛИМНИНГ МАҚСАДИ</p>	<p>ҚАНДАЙ АСОСДА ЎҚИТИШ?</p> <p>ТАЪЛИМНИНГ ҚОНУН, ҚОНУНИЯТ, ТАМОЙИЛ, ҚОИДАЛАРИ</p>
<p>НИМАНИ ЎҚИТИШ?</p> <p>ТАЪЛИМ МАЗМУНИ</p>	<p>ҚАНДАЙ ЎҚИТИШ?</p> <p>ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ</p>

“Дидактик таъминот” тушунчаси

Дидактик таъминот деганда психология, педагогика, валеология, информатика ва бошқа фанлар талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув ахборотлари мазмуни хилма-хил турларининг дидактик мақсад ва вазифаларига кўра ўзаро алоқадор мажмуи.

Дидактик таъминот деганда маълум бир қонуният, тамойиллар ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига асосланадиган шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар тушунилади.

Дидактик таъминот деганда шахснинг ахборий маданиятини шакллантириш учун дидактика, психология, эргономика, информатика ва бошқа фан соҳаларининг мувафакқиятларига асосланган ҳолда ташкил этилган ўқув-услубий мажмуа тушунилади.

Дидактик таъминотнинг муҳим хусусиятлари

Дидактик таъминот қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

1) назорат топшириқлари, тест саволлари банкининг мавжудлиги;

2) ўқув фани бўйича дидактик материалларнинг мавжудлиги: аудио-видео материаллар, компьютер дастурлари, жадвал, слайдлар, таркатма материаллар.

3) реферат ишлари мавзулари.

Дидактик таъминот ўқув курсини ўзлаштириш учун ахборотларнинг тўлиқлиги ва етарли ҳажмда бўлиши, педагог ва талабаларнинг биргаликдаги интеллектуал-эмоционал ўзаро ҳаракати мазмуни ва усулларининг вариативлиги, интерфаоллик, диалоглик, муаммолик, амалий йўналтирилганлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган ахборотларнинг оригиналлиги ва тартибга солинганлиги билан характерланади. У таълим олувчининг ахборотларни ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш, назорат қилиш ва коррекциялаш мақсадида фойдаланилади ва таълим олувчи шахсини шакллантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

“Методик таъминот” тушунчаси

Методик таъминот талабаларнинг аудитория ишларининг барча шаклари (маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулоти) ва аудиториядан ташқари иш шакллари (мустақил таълим, амалиётнинг барча турлари, назорат, курс ва битирув малакавий ишлари) ҳамда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилишнинг турли шакллари ўз ичига қамраб олади. Фанларнинг методик таъминотининг асоси сифатида ўқув-услубий мажмуа акс этади ўқув-услубий мажмуа талабаларнинг муваққил ишлашини самарали ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув фанларини ўқитишда узлуксизликни сақлаш имконини беради.

Дидактик ва методик таъминотнинг қиёсий таҳлили

Тушунчалар	Дидактик таъминот	Методик таъминот
Мазмун	Ўзаро алоқадор хилма-хил ўқув ахборотлари мажмуи	Махсус ишлаб чиқилган ва қўлланиладиган ўқув-услубий мажмуа
Мақсад	Ўқитувчи ва талабалар ўртасида фаол ахборот алмашишга доир ўзаро ҳаракатни ташкил этиш учун шароит яратиш	Педагогик фаолиятни доимий такомиллаштириб бориш учун шароит яратиш
Функция	Ташкилий, таълимий, назорат ва коммуникатив	Илмий тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш, умумлаштириш ва трансляция, кундалик методик ёрдам
Тузилиши	Ўқув дастурлари, ўқув-методик нашрлар, дидактик материаллар, ўқитиш воситалари	Ўқув дастурлари, маъруза матнлари, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ва муваққил таълим ишланмалари, назорат ва баҳолаш учун топшириқлар, фанни ўқитишга доир ташкилий кўрсатмалар

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
8. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
9. Актуальные вопросы современной педагогической науки: материалы III Международной заочной научно-практической конференции. 20 ноября 2010 г. / Отв. ред. М.В. Волкова – Чебоксары: НИИ педагогики и психологии, 2010.
10. Байбаева М.Х. Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг мустақил ишларини ташкил этишда педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2012.

11. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. – 160 с.
12. Гейдебрандт К.Ф. Учебный план свободной вальдорфской школы. // Частная школа. – 1997. № 2
13. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. 2002. . – №7. С. 12-16.
14. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003.
15. Гузеев В. В. Интегральная образовательная технология. – М., 1999.
16. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии. –М.: Сентябрь, 1996.
17. Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология. – М.: Народное образование, 2000.
18. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
19. Ижтимоий педагогика. / Эгамбердиева Н.- Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.
20. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
21. Загвязинский В.И. Теория обучения. Современная интерпретация. – М., 2001.
22. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.
23. Кашлев С. С. Современные технологии педагогического процесса. Мн.: “Университетское”, 2000.
24. Коджаспирова Г.М. и Коджаспиров А.Ю. Словарь по педагогике. – М.: ИКЦ «МарТ»; Ростов н/Д: Изд. центр «МарТ», 2005.
25. Колесникова И. А. Педагогическое проектирование: Учеб.пособие для высш. учеб. заведений / М: Издательский центр «Академия», 2005.

26. Левина М.М. Технология обучения, роль в структуре педагогического знания. (Разработка и внедрение гибких технологий обучения педагогическим дисциплинам). – М.: МГПИ, 1991.

27. Левитес Д. Г. Современные образовательные технологии. Новосибирск, 1999.

28. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий кадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.

29. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Власов, Д.А. Педагогические технологии как дидактический инструментарий модернизации образования. – М. – Тольятти: ВУиТ, 2004.

30. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Олейникова, И.А. Педагогическая технология В.М.Монахова от А до Я: самоучитель проектирования учебного процесса: Липецк: ИРО, 2007.

31. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006.

32. Новые педагогические и информационные технологии в средней школе / Под ред. Е.С. Полат. М., 1999. 224 с.

33. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учеб. пособие для пед. вузов и системы повыш. квалиф. пед. кадров Под ред. Е.С. Полат. – М.: Издат. центр «Академия», 2001.

34. Новый толково-словообразовательный словарь русского языка. Автор Т. Ф. Ефремова. – М.: «Русский язык», 2000.

35. Ожегов С. И., Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений / Российская академия наук. Институт русского языка им. В. В. Виноградова. – 4-е изд., дополненное. – М.: Азбуковник, 1999.

36. Олешков М.Ю. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – Нижний Тагил: НТГСПА, 2011.

37. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
38. Самостоятельная работа студентов: метод указания / сост.: А.С.Зенкин, В.М.Кирдяев, Ф.П.Пильгаев, А.П.Лащ – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2009.
39. Селевко Г. К. Саморазвивающее обучение. Ярославль: ИПК, 1996.
40. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. – М.: Народное образование, 1998.
41. Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий: В 2 т. Т.1. – М.: НИИ школьных технологий, 2006.
42. Сериков В. В. Обучение как вид педагогической деятельности: учебное пособие для вузов / В. В. Сериков; под ред. В. А. Сластенина, И. А. Колесниковой. – М.: Академия, 2008.
43. Современные образовательные технологии: учебное пособие/под ред. Н.В. Бордовской. – М.: КНОРУС, 2010.- 432с.
44. Сенькина Г.Е., Емельченков Е.П., Киселёва О.М. Методы математического моделирования в обучении: монография. – Смоленск.: Смол.гос. ун-т, 2007.
45. Сластенин В.А. Исаев И Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2-х ч. – М.:ВЛАДОС, 2003. Ч.1
46. Степанов Р.И. Технологический подход к гуманизации образования. // Наука и образование. – 2003. - № 3.
47. Степихова В. Педагогика Френе в Швейцарии // Частная школа. 1995. №3.
48. Столяренко А.М. Психология и педагогика. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.
49. Столяренко Л.Д., Самыгин С.И. 100 экзаменационных ответов по педагогике: Экспресс-справка для студентов вузов. – Ростов н/Д: МарТ, 2000.

50. Сытин Г. Н. Самоубеждение как средство воспитания и оздоровления личности: Автореферат диссертации на соискание степени доктора педагогических наук: – М., 1994.

51. Технологии обучения: сущность, опыт применения и проблемы развития: Доклады и материалы к научно-практической конференции. – М., 1997.

52. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари. – Т.: 2006.

53. Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. – М., 2003.

54. Хуторской А.В. Современная дидактика. – СПб., 2001.

55. Ярмагов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.

Elektron ta'lim resurslari

8. www.pedagog.uz

9. www.Ziyonet.uz

10. www.edu.uz

11. <http://www.edu-navigator.ru>